

## КИЧИК БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКЛАРИ

**Асқарова Наргиза Илҳомхўжаевна**  
ассиситенти, ТАТУ Қарши филиали, Қарши  
[ilhomxujayevna1991@mail.ru](mailto:ilhomxujayevna1991@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бизнес ва кичик бизнесни инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий самаралари ва эконометрик моделлаштириш ва эконометрик моделлаштириш ва моделларнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар.** Бизнес, кичик бизнес, эконометрия, эконометрик моделлаштириш.

### ABSTRACT

The article discusses the economic effects of innovative business and small business development, as well as the importance of econometric modeling and econometric modeling and models.

**Keywords.** Business, small business, econometrics, econometric modeling.

### КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий слоҳотларнинг натижаси ўлароқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очик типдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишдан иборат. Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни катта капитал маблағларсиз ўзлари иш жойларини жорий этишлари, вақтинчалик мавжуд бўлган товарлар танқислигини камайитиришлари

ва, ҳаттоки, бу танқисликни бутунлай йўқотишлари мумкин. Ҳозирги жамиятимизда кичик корхоналар фаолиятини айрим кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш сари йўналтириш зарур. “Бизнес” сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган турли меҳнат фаолияти маъносини билдиради. Хорижий адабиётларда бизнес таърифининг кўп турлари мавжуд. Инсоният жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган. Бизнесмен (тадбиркор) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънони билдирган. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни “фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир”, деб таърифлайди.

Тадбиркорнинг ўзи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ҳамда олган даромадига ўзи хўжайинлик қилади.

Хорижий мамлакат олимлари дарсликларда бизнесга тизимли таъриф берадилар. Америка Қўшма Штати (АҚШ) нинг Техас ва Иллинойа университетлари профессорлари С. Розенблат, Р.Боннингтон ва Б. Нидлслар томонидан тайёрланган “Бизнес концепцияси” дарслигида: “Бизнес нима?” деган саволга, улар:

Бизнес - бу иш юритиш тузилмасидир.

Бизнес - бу инсонларга керак бўлган маҳсулотларни яратишдир.

Бизнес - бу ишдир.

Бизнес - бу бизни қандай яшашимиздир.

Бизнес - бу ижтимоий-иқтисодий тизимимизнинг марказий кўчасидир.

Бизнес - бу ўзимизнинг хоҳиш - истакларимизни қондириш учун яратган тизимимиздир.

Бизнес - бу жамиятни хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириш учун ратилган ишлаб чиқариш тизимидир - деб жавоб берганлар.

Бизнес нима? Бизнес - бу пулдан пул қилиш, лекин албатта инсонларга керакли бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш натижасида пулдан пул қилишдир.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти инновацион жараёнларни амалга оширишда кўплаб иштирокчиларнинг мавжудлиги, бунга тугалланган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ёки бошқа натижаларни амалга оширишга қаратилган инновацион фаолият субъектлари ва инновацион корхоналар киради.

Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

## НАТИЖАЛАР

Бизнинг республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик корхоналар Ўзбекистан Республикасининг «Корхоналар тўғрисида», «Мулк тўғрисида», «Эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги каби қонунлари, Президент фармон-лари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа мазъерий ҳужжатлар асосида ташкил этилмоқда. Бугунги кунга келиб, кичик бизнес иқтисодиётининг барча соҳаларида, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, халқ истэъмоли молларини, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Шундай экан, кичик бизнесни инновацион ривожлантириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Кичик бизнесни ривожлантиришда илмий-техник ютуқлар бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотга, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга, шунингдек тегишли қўшимча илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга эътибор берилиши иқтисодий ўсишнинг асосидир. Замоनावий шароитда кичик корхоналар илмий ва техник ишланмаларни тижоратлаштиришнинг энг самарали шакли ҳисобланади. Бу кичик корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенг кўламли йўқотишларсиз янги истиқболли лойиҳаларга динамик равишда қўшилиш имкониятига эга.

Жаҳон глобаллашуви ва билимлар иқтисодиётининг шаклланиши шароитида инновацион ривожланиш рақобатбардошликни оширишга ёрдам берадиган инновацион стратегияларни тўғри танлашга асосланиши керак. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ҳар бир корхона нафақат таҳлил қилиши керак молиялаштириш имконияти ва лойиҳаларни амалга ошириш шартлари, шунингдек, замоनावий иқтисодиётда энг долзарб бўлган самарадорлик ва хавф нисбатларини аниқлаши ва келажакни иқтисодий баҳолаган ҳолда йўл тутиш мақсадга мувофиқ. Кичик бизнесни келажакини иқтисодий баҳолаш учун энг афзал усуллардан бири эконометрик моделлаштиришдир.

Эконометрикани асосий мақсади – омиллараро боғланишларни, ўзгариш қонуниятларни ва тенденцияларни ўрганиш ҳисобланади [1]. Чунки барча

иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар вақт давомида ўзгарувчан бўлади. Айнан иқтисодий хавфларни ва йтуқларни олдиндан кўра билиш учун ҳам Иқтисодий жараёнларни вақт давомида ўзгаришини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётда барча иқтисодий жараёнларни иқтисодий-статистик моделлар орқали ўрганиш натижасида у ёки бу иқтисодий кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ўзгаришини илмий асосда таҳлил қилиш ва прогнозлаш мумкин бўлади. Одатда, иқтисодий-статистик моделлаштиришни қўллаш самарадорлигининг асосий шартларидан бири, унинг реал кўриниш ва жараёнга айнан мос келиши ҳисобланади.

Иқтисодий-статистик моделлаштиришни ноаниқ бўлишлигининг сабаблари куйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин:

1. Ахборотли – ахборотнинг хатолиги, унинг кўрсаткичлари, омиллар ва объектлар мажмуининг ноаниқлиги.
2. Таркибий – аниқланмаган хилма-хилликларнинг мавжудлиги.
3. Моделли – кўрсаткичлар ва далиллар ўртасида боғланиш шаклларида нотўғри фойдаланиш.

Иқтисодий-статистик кузатувлар олиб борилганда, техник-иқтисодий кўрсаткичлар кўринишидаги, материаллар оқимидаги ахборотларга дуч келамиз. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқаришга - кириш ахборотини, чиқиш ахборотига ўзгартиргич сифатида қаралади.

Эконометрик моделлаштириш ва моделларнинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

- 1) Эконометрик усуллар ёрдамида моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланилади.
- 2) Эконометрик усуллар ва моделлар иқтисодий ва табиий фанларни ривожлантиришда етакчи восита бо,либ хизмат қилади.
- 3) Эконометрик усуллар ва моделлар ёрдамида тузилган прогнозларни умумий амалга ошириш вақтида айрим тузатишларни киритиш мумкин бўлади.
- 4) Эконометрик моделлар ёрдамида иқтисодий жараёнлар фақат чуқур таҳлил қилинибгина қолмасдан, балки уларнинг янги ўрганилмаган қонуниятларини ҳам очишга имкони яратилади. Шунингдек, улар ёрдамида иқтисодиётнинг келгусидаги ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин.
- 5) Эконометрик усуллар ва моделлар ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш билан бирга, ақлий меҳнатни енгиллаштиради, иқтисодий соҳа ходимларининг меҳнатини илмий асосда ташкил этади ва бошқаради.

Асосий эконометрик усуллар – бу математик статистика усуллари ва эконометрик усуллар. Математик статистика усуллари - дисперсион таҳлил,

корреляция таҳлили, регрессия таҳлили, омилли таҳлил, индекслар назарияси кабилардир.

Эконометрик усуллар - иқтисодий ўсиш назарияси, ишлаб чиқариш функцияси назарияси, талаб ва таклиф назариясига асосланади. Эконометрикани ўрганиш жараёни – бу иқтисодиёт, иқтисодий жараёнларнинг эконометрик моделларини тузиш жараёнидир. Эконометриканинг асосий қўллайдиган усули – корреляционрегрессион таҳлил усулидир.

Эконометрик моделлаштириш қуйидаги илмий йўналишлар комплекси:

- иқтисодий назария;
- эҳтимоллар назарияси;
- математик статистика;
- компьютер технологиялари [3].

### **МУҲОКАМА**

Бозор шароитидаги динамик ўзгаришларни эконометрик моделлаштирган ҳолда баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш орқали корхона раҳбарларининг корхона самарадорлигини оширишга қаратилган ўз бизнесининг имкониятларини баҳолашга асосланган таклифларни ишлаб чиқиш имкони мавжуд бўлади.

### **ХУЛОСА**

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни ривожлантиришда инновацион ёндашув иқтисодий ўсиш омили бўлиб ҳисобланади. Инновацион ривожлантириш билан кичик бизнесда ишларни юритишга қулайликларни яратишда ҳам муҳим масала ҳисобланади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Introductory Econometrics, A Modern Approach, 4e, Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2014.
2. Эконометрика, Т.Кучкаров, А.Ишмурадов, Д.Худайназарова, Т.2020.
3. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. /Под ред. В. В. Федосеева. -М.: ЮНИТИ, 2010.